



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил  
29 декабрдаги “Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил этиш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 декабрдаги “Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 декабрдаги “Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 369-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

ўсимликларнинг янги навлари бўйича селекция ютуғи синовлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан ўтказилиши;

янги ҳайвон зотлари бўйича селекция ютуғи синовлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилиқда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси томонидан ҳайвонларнинг янги зотлари яратилган ташкилотлар - чорва наслчилиги субъектларида ўтказилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоятдаги ўсимликларнинг янги навлари бўйича селекция ютуғи синовларини ўтказадиган Давлат нав синаш станциялари ва Давлат нав синаш участкалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 октябрдаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилиқда наслчилик ишлари бўйича давлат бош инспекцияси тўғрисидаги Низомнинг 7-банди, тўққизинчи хат бошига Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан, қуйидагича ўзгариш киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

“селекция ютуғи экспертизаси ва синовини белгиланган тартибда ўтказиш”;

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимлиги котибият мудир А.Саидов ва Умумий бўлим мудир А.Абдумаликов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

/ Ш.Ғаниев.

Вилоят ҳокимининг  
2015 йил “08” январдаги  
23 -сонли қарорига  
илова

Селекция ютуғи синовларини ўтказадиган давлат нав синаш  
станциялари ва давлат нав синаш участкалари  
РЎЙҲАТИ

| № | Туманлар номи | Давлат нав синаш станциялари ва давлат нав синаш участкалари |
|---|---------------|--|
| 1 | Қўштепа       | Қўштепа Давлат нав синаш станцияси                           |
| 2 | Фарғона       | Фарғона Давлат нав синаш участкаси                           |
| 3 | Фарғона       | Водил Давлат нав синаш участкаси                             |
| 4 | Бешариқ       | Фарғона Давлат нав синаш участкаси                           |
| 5 | Боғдод        | Боғдод Давлат нав синаш участкаси                            |